
Фурқат тумани аҳолиси учун тиббиётни яқинлаштириш мақсадида “Саломатлик сайли” ўтказилди

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан айна кунларда юртимиз бўйлаб кенг қамровда ўтказилаётган “Саломатлик сайиллари” акцияси Фурқат туманида ҳам ўтказилди.

Яқинда қайта қурилиб фойдаланишга топширилган "Абдулқаххор ота" зиёратгоҳида ташкилланган навбатдаги соғломлаштириш тадбирида минглаб аҳоли республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг малакали мутахассислари ҳамда маҳаллий шифокорлар иштирокида чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказилди.

Ўзининг беморлиги юзасидан малакали тиббий мутахассислардан керакли тавсиялар олган халқимиз вакиллари мамнун кайфиятда давлат раҳбари ва ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдирдилар.

2023-04-28 16:02:39